

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2024 йил 11 сентябрь куни, жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: А.Хамраеванинг раислигида, халқ маслаҳатчиларидан Ж.Рустамов ва М.Махманиёзовлардан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси У.Яхёевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Яккабоғ туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Рахимов, судланувчи С.Рахимов ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Ж.Тўраевнинг иштирокида, Рахимов Юсуф Хайруллаевичга оид 1-1804-2401/118-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Рахимов Юсуф Хайруллаевич (Raximov Yusuf Hayrullayevich), 1965 йил 10 декабрь куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Широzi МФЙ, “Уз” қишлоғи, раъамсиз уйда яшаган, иш бўйича қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2024 йил 23 апрель кунидан бошлаб қамоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 20 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК **25,97-моддаси 2-қисмининг в,д,ж бандлари** билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ю.Рахимов.Махкамов Яккабоғ тумани, “Шерозий” маҳалла фуқаролар йиғини, Уз қишлоғи рақамсиз уйда қонуний никоҳида бўлган турмуш ўртоғи Рахимова Гулшод Эштемировна билан бир хонадонда яшаб келиб, тахминан 2014 йил март ойидан бошлаб 2024 йил 22 апрель кунига қадар турмуш ўртоғини хиёнат қилишлиқда айблаб, у билан доимий низолашиб келган.

Ўз навбатида Ю.Рахимов 2024 йилнинг 22 апрель куни соат тахминан 20-00 ларда маст ҳолатда яшаш уйининг ҳовлисидаги супада дам олиб ётганида, турмуш ўртоғи Г.Рахимованинг телефонда гаплашиб, суҳбатдошига эрини назарда тутиб “ифлос уйда, эртага ишга кетганидан кейин гаплашамиз” деган гапларини эшитиб қолиб, уни ўлдириш мақсадида ҳовлидаги 1 литр хажмли елим идиш (баклашка)да турган бензинни олиб, турмуш ўртоғи Г.Рахимова ўтирган уйга кириб, келинлари Раупова Хулкар, Қувватова Сурайё, вояга етмаган ўғли Ж.Хайруллаев ҳамда бешиқда ётган невараларининг кўз ўнгида уларни ҳаётини хавфга солиб, турмуш ўртоғи Г.Рахимовага “сени ўлдирмасам, қутилмас эканман” деб, унинг юз ва кўкрак қисмларига баклашкадаги бензинни сепиб, ўта шафқатсизлик билан қўлбола усулда ясалган олов (*симнинг уч қисмига мато ўраб, бензинга ботирилган*) билан ёқиб юборган ва ёнаётган турмуш ўртоғи



Г.Рахимовага ёрдам бериш чорасини кўрмасдан ҳодиса жойидан кўчага чиқиб кетган.

Жабрланувчи Г.Рахимовани шу ерда бўлган келинлари Раупова Хулкар, Қувватова Сурайё ҳамда ўғли Хайруллаев Жавохирлар сув сепиб оловни ўчириб олиб, “тез ёрдам” машинасида Яккабоғ туман шифохонасига олиб келишган ҳамда тиббиёт ходимларининг кўрсатган малакали ёрдами натижасида Г.Рахимованинг ҳаёти сақлаб қолинган.

РСТЭИАМ Шаҳрисабз тумани филиали томонидан 31.05.2024 йилда берилган “101/13-Хуж/Жур Як”-сонли экспертиза хулосасида, фуқаро Г.Рахимованинг танасида, юз, бўйин, кўкрак қафаси, чап елка, иккала биллак-кафт, ўнг кўкрак усти соҳалари 1-2-3-АБ даражали 35-38% алангадан куйиши, термоингалацион шикаст (юқори нафас йўллари куйиши) 2-даражаси кўринишида жароҳатлари борлиги, ушбу жароҳатлар юқори ҳарорат таъсиридан юзага келиши, оғирлик даражасига кўра ҳаёт учун хавфлилик мезонига асосан оғир тан шикасти гуруҳига киритилиши қайд этилган.

Судланувчи Ю.Рахимов айбига иқрорлигини билдириб, судда Рахимова Гулшод Эштемировна унинг турмуш ўртоғи эканлигини, уларнинг биргаликдаги фарзандлари 5 нафар эканлигини, турмуш ўртоғи Г.Рахимовани 2014 йилда қишлоқда яшовчи бир фуқаро билан кечки вақтда яшаш уйида жинсий алоқа қилишган вақтида ушлаб олганидан кейин турмуш ўртоғимга нисбатан нафрат пайдо бўлганлигини, у билан ўртасида низо пайдо бўлиб, шу кунга қадар фарзандлари учун яшаб келганлигини, у бу орада турмуш ўртоғи билан ажрашиш учун фуқаролик судига мурожаат қилганлигини, 2024 йилнинг 22 апрель куни соат 13-00 ларда тушлик қилиш мақсадида қишлоқ ҳудудидаги “Файз” номли ресторанга бир ўзи бориб, у ерда овқатланиб спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, шу куни соат тахминан 14-00лардан ўтиб яшаш уйига қайтиб келганлигини, уйга қайтганидан кейин дарвозахонадаги кравотга ётган вақтида турмуш ўртоғи Г.Рахимова ташқари ҳовлига чиқиб, телефондан кимгадир у ҳақида яъни “анави ифлос уйда, эртага ишга кетганидан кейин гаплашамиз” деб айтганидан кейин, унинг сўзлари асабига тегиб кетиб қаттиқ жаҳли чиқиб, турмуш ўртоғи Г.Рахимова ўтирган жойига ҳовлида турган бакалжқадаги бензин ёқилғисини олиб, турмуш ўртоғим ўтирган хонага кириб, уни ўлдириш мақсадида унинг бош қисмидан қўлидаги елим бакалжқадаги бензинни унинг бошидан қуйиб ташлаб, яна ҳовли томонга бориб, ярмидан озроқ қолган бакалжқадаги бензин ёқилғисига метал симга ўралган латтани ботириб олиб, ёндиргич билан ёқиб олиб, унинг юз қисмига қараб оловли машалани отиб юборганидан сўнг кўчага чиқиб кетганлигини, кейинчалик уни ИИБ ходими олиб кетганлигини, у айбига иқрорлигини ва чин дилдан пушаймонлигини, жабрланувчидан ҳам кечирим сўраганини, жабрланувчининг ҳам даъвоси йўқлигини инобатга олиб, суддан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Гарчанд Ю.Рахимов айбига иқрор бўлса-да, унинг айби қуйида келтирилган далиллар билан ўз исботини топган. Хусусан:

- жабрланувчи Ю.Рахимов дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, судланувчи унинг турмуш ўртоғи эканлигини, турмуш ўртоғи билан



бир оила бўлиб яшаб келганлигини, уларнинг 5 нафар фарзандлари борлигини, судланувчи унинг оиласининг боқувчиси эканлигини, турмуш ўртоғи Ю.Рахимов билан тахминан 10 йиллар, яъни 2014 йилдан буён ўртасида низо келиб чиққанлигини, низо келиб чиқишига сабаб, турмуш ўртоғи Рахимов Юсуф уни турли эркаклардан рашк қилиб келишлигини, турмуш ўртоғи Рахимов Юсуф никоҳдан ажратиш бўйича фуқаролик судига даъво аризаси ҳам киритганлигини, 2022 йилнинг 26 октябрь куни ФИБ Яккабоғ туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан, турмуш ўртоғи Ю.Рахимовнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвоси рад қилинганлигини, шундан сўнг ҳам судланувчи яна судга ажрашиш бўйича даъво ариза киритганлигини, 2024 йилнинг 01 апрель куни ФИБ Яккабоғ туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан, турмуш ўртоғи Ю.Рахимовнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвоси рад қилинганлигини, 2024 йилнинг 22 апрель куни соат 13-00 ларда турмуш ўртоғим Ю.Рахимов тушлик қилиш мақсадида кўчага чиқиб кетиб, соат тахминан 14-00ларда уйга маст ҳолда кириб келганлигини, у келинлари Хулкар, Сурайё, ўғлим Жавохирлар билан биргаликда пиллага барг кесиб туриганлигини, у телефонда Баходир исмли фермер билан пилла бўйича телефонда гаплашаётганлигини, шунда турмуш ўртоғи Ю.Рахимов унга “ким билан гаплашяпсан, кимни гаранг деб айтаяпсан” деб бакалжжадаги бензин ёқилғисини бош қисмимга сепганлигини, у бензинни кўзларидан артаётган пайтида, турмуш ўртоғи Ю.Рахимов қўлига бир мато ўралган чўпни олиб келиб, унга гугурт чақиб, устига отиб юборганлигини, у олов ёниб бақириб, эшик олдиғача югурганлигини, шунда ёнида бўлган келиним Сурайё, Хулкарлар оловни ўчиришганлигини, уни турмуш ўртоғи Ю.Рахимов ёқиб юборган вақтида ушбу ҳолатни 2009 йилда туғилган ўғли Жавохир ҳамда набиралари ва уларнинг оналари яъни 2 нафар келинларим Сурайё ва Хулкарлар ҳолатни гувоҳи бўлиб қолишганлигини, у турмуш ўртоғини ҳурмат қилшлигини, турмуш ўртоғи фарзандларининг отаси эканлигини, турмуш ўртоғи рашк туфайли ушбу жиноятни содир этганлигини, у фарзандларнинг отаси бўлганлиги учун салкам 30 йилдан ортиқ оила қурганлиги учун Ю.Рахимовни кечиришлигини, Ю.Рахимов фарзандларининг меҳрибон отаси эканлигини, Ю.Рахимов қатъий моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, Ю.Рахимов фарзандларининг отаси бўлганлиги учун қамоқ билан боғлиқ жазо тайинламасликни, Ю.Рахимов қамалиб кетса оиласи пароканда бўлишликни инобатга олиб Ю.Рахимовга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

- гувоҳ С.Қувватова дастлабки терговда берган кўрсатувини тўлиқ тасдиқлаб, судда у 2023 йилнинг 24 май куни тумандаги “Шерозий” МФЙ, Уз қишлоғида яшовчи Хайруллаев Жалолиддинга турмушга чиққанлигини, у оилада қайниотаси Рахимов Юсуф, қайнионаси Раҳимова Гулшод, қайинакам Хайруллаев Қувонч унинг турмуш ўртоғи Раупова Хулкар, уларнинг 4 нафар фарзандлари, қайинакаси Хайруллаев Лочинбек унинг турмуш ўртоғи Тўраева Гуласал, уларнинг 2 нафар фарзандлари, қайинакаси Хайруллаев Жавлон 2009 йилда туғилган қайинукаси Хайруллаев Жавохирлар билан бирга яшашлигини, Қайнотам Рахимов Юсуф 2024 йилнинг 22 апрель куни соат 14-00 ларда кўчадан уйга келганлигини, уйга кириб уст-бош кийимларини алмаштириб, ҳовлига дарвоза кириш жойдаги кроватга ётиб ухлаб дам олганлигини, бир вақт соат 18-00 ларда уй ичида қайнонам Раҳимова Гулшод, овсини Раупова Хулкар ва



қайинукаси Хайруллаев Жавохир билан биргаликда уйдаги “пилла” қуртлари учун тут дарахти баргини тозалаб, пилла кўртларга озуқа тайёрлаётган вақтида, қайнотаси Рахимов Юсуф қўлига 1 литр елим ичида суюқлик бўлган идишни кўтариб келиб, қайнонаси Рахимова Гулшодни юзи, кўзи ва эгнида бўлган кўйлагига елим идишдаги суюқликни сепишни бошлаганлигини, шунда у қайнионаси олдига югуриб борганлигини, қайниукаси қайниотасини итариб итариб ташқарига чақирганлигини, у қайнионасининг олдига борганлигини, қайнионаси ва унинг ўртасида ярим метр оралиғдаги масофа бўлганлигини, қайни онаси эшик олдида турган вақтида қайниотаси Ю.Рахимов оловли машъал билан қайнионаси томонга тотиб юборганлигини, олов машъали у ва қайнионаси ўртасидан учиб ўтиб шкаф олдига тушганлигини, шкаф олдида 2 та бешик, ёстик болалар кийими бешик ичида чақалоқлар бўлишганлигини, қайнионасининг юзига бензин бўлганлиги учун олов қайнионаси юзига ёндирганлигини, қайниукаси Жавохир болаларни зудлик билан бошқа хонага олиб кирганлигини, у югуриб бориб 2бочка идишга сув олиб келиб қайнионаси устидан сепганлигини, Ю.Рахимов қайнионасига бензин сепганида у бензинлигини билмаганлигини жаҳл устида чой сепган деб ўйлаганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Вояга етмаган гувоҳ Ж.Хайруллаев қонуий вакил Л.Хайруллаевнинг иштирокида сўроқ қилинганда суд мажлисида сўроқ қилинган С.Қувватова Г.Рахимоваларга ўхшаш кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчи Ю.Рахимовнинг “ бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш жиноятии суиқасд қилиш жиноятини содир этишдаги айби жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар, РСТЭИАМ Шаҳрисабз тумани филиали томонидан 31.05.2024 йилда берилган “101/13-Хуж/Жур Як”-сонли экспертизанинг фуқаро Г.Рахимованинг танасида, юз, бўйин, кўкрак қафаси, чап елка, иккала биллак-кафт, ўнг кўкрак усти соҳалари 1-2-3-АБ даражали 35-38% алангадан куйиши, термоингалацион шикаст (юқори нафас йўллари куйиши) 2-даражаси кўринишида жароҳатлари борлиги, 35-38 ушбу жароҳатлар юқори ҳарорат таъсиридан юзага келиши, оғирлик даражасига кўра ҳаёт учун хавфлилик мезонига асосан оғир тан шикасти гуруҳига киритилиши қайд этилган хулосаси (2-ж и.в 34-36), 11.06.2024 йилдаги судга оид психиатрия экспертизасининг №123-сонли Ю.Рахимов руҳий ҳолатига кўра ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олиши, уларни бошқара олиши, тўғри кўрсатув беришга ва бошқа тергов ҳамда суд ҳаракатларига иштирок этишга қодирлиги кўрсатилган хулосаси (2-ж и.в 85-87), - ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар (2-ж и.в 21-30), ашвий далил қарори (2-ж и.в 127-128). маълумотнома (1-ж и.в 14), гувоҳларнинг кўрсатмаси ва тушунтириш хатлари жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ю.Рахимовнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,97-моддаси 2-қисми “д,ж” бандлари, яъни “*Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда, ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдиришга суиқасд қилиш*” да ифодаланган жиноят аломатлари билан қуйидаги



асосларга кўра тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ю.Рахимовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,97-моддаси 2-қисми “в” банди, яъни “*Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни айбдорга аён бўлган оғиз аҳволдаги шахсни қасддан ўлдиришга суиқасд қилиш*” да ифодаланган жиноят аломатлари билан қуйидаги асосларга кўра нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида “...Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.”-деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддаси иккинчи ва учинчи хатбошисида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ҳамда айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасида – “Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим”-деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 5-бандига кўра, судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак.

Хусусан:

- биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,97-моддаси 2-қисми “в” банди, яъни “*Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни **айбдорга аён бўлган оғиз аҳволдаги шахсни** қасддан ўлдиришга суиқасд қилиш*” да ифодаланган жиноят аломатлари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 8-бандига мувофиқ “*Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан квалификация қилишда, оғиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя*



қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт. Жабрланувчининг алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай олмайдиган даражада мастлиги, унинг ожиз аҳволда бўлган, деб тан олинishiга асос бўлиши мумкин. Бунда жабрланувчини ким бу аҳволга солганлиги аҳамиятга эга эмас.”-деб тушунтириш берилган.

Судда тасдиқланган ва дастлабки терговда тўпланган далилларга кўра, Ю.Рахимов 2024 йилнинг 22 апрель куни соат тахминан 20-00 ларда маст ҳолатда яшаш уйининг ҳовлисидаги супада дам олиб ётганида, турмуш ўртоғи Г.Рахимовага бензин сепган вақтида Г.Рахимова, ҳодиса содир бўлган куни бирон-бир спиртли ичимлик ёки бошқа моддалар таъсири остида бўлмаганлиги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар ва судга оид экспертиза хулосалари ҳамда ҳодиса жараёни тасвирланган видеотасвирлар билан жабрланувчини ожиз аҳволда бўлмаганлиги исботланган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, суд судланувчи Ю.Рахимовнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,97-моддаси 2-қисми “в” банди, яъни “Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни қасддан ўлдиришга суиқасд қилиши” да ифодаланган жиноят аломатлари бўйича нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди;

Юқорида баён этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва Олий суд Пленуми Қарори талабларидан келиб чиқиб, суд судланувчи Ю.Рахимовнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,97-моддаси 2-қисми “в” бандини чиқаришни судланувчининг айбидан чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ю.Рахимовга жазо тайинлашда айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, оилавий шароитини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб баҳолайди.



Қайд этилган Олий суд Пленуми Қарорининг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ жазо тайинланиши мумкин.”-деб кўрсатилган.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони энгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.). белгилаб кўйилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи Ю.Рахимовга жазо тури ва меъёрини белгилашда, айбига иқрорлигини, муқаддам судланмаганини, ёши 59 ёшда эканлигини, оилавий шароитини, соғлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, вояга етмаган фарзанди борлигини, оилавий ришталар, қариндошлик алоқаларини мавжудлигини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини ҳамда жазони ҳам энгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, судланувчига нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг камидан ҳам камроқ тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “б” бандида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда ўташ тайинланади”-деб белгиланганлиги сабабли судланувчи Ю.Рахимовга тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим топади.

Суд жабрланувчи Ю.Рахимовга етказилган моддий ва маънавий зиённи ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Суд ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далиллар масаласини ҳал этиб, ашёвий далил деб эътироф этилган ҳамда Яккабоғ туман прокуратурасида сақланаётган қора рангли кўйлак, қора рангли сийнабад аёллар рўмоли, сиёҳранг ёстик, резина оёқ кийим, болалар туфлиси, аёллар туфлиси, тропик ёзувли 1 дона елим идиш ҳамда кучлиаланголовчи ёқилғи йўқ қилишни ва бир дона ДВД-дискини жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473- моддаларига амал



қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Рахимов Юсуф Хайруллаевич (Rahimov Yusuf Hayrullayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,97-моддаси 2-қисмининг “д,ж” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2024 йил 23 апрелдан бошлаб ҳисоблансин.

Ю.Рахимовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Жабрланувчи Ю.Рахимовга етказилган моддий ва маънавий зиённи ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил деб эътироф этилган ҳамда Яккабоғ туман прокуратурасида сақланаётган қора рангли кўйлак, қора рангли сийнабад аёллар рўмоли, сиёхранг ёстик, резина оёқ кийим, болалар туфлиси, аёллар туфлиси, тропик ёзувли 1 дона елим идиш ҳамда кучли аланголовчи ёқилғи йўқ қилинсин, бир дона ДВД-диски жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида апелляция тартибида, суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Хамраева

Халқ маслаҳатчилари:

Ж.Рустамов

М.Махманиёзов

